

Qishloq hayoti

Qishloq haёti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

Соғлом авлод тарбиясининг муҳим омили

Оқсаройда 29 ноябрь куни Президент Ислам Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари мазкур йиғилишдан мақсад ўтган беш йил мобайнида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан амалга оширилган ишларни атрафлича таҳлил этишдан иборат эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини мустаҳкамлаш, фарзандларимизнинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш, уларда спортга муҳаббат туйғуларини кучайтириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари бу борада дастуриямал бўлмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш, ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш умумий ўрта таълим тизимининг, 2004-2009 йилларда Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммил-

лий дастурининг ажралмас қисмига айланди.

— Спорт — соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим воситасидир, — деди Президентимиз. — Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда балоғат ёшидаги болаларнинг бўйи аввалгига нисбатан ўртача 5 сантиметрга, вазни 4-8 килограммга ортгани, кўкрак қафасининг эса 6-8 сантиметрга кенгайгани қузатилмоқда. Бу рақамлар - юртимизда ҳаёт сифатини ҳар томонлама оқсалтиришга қаратилаётган сўй-ҳаракатларнинг ижобий самараларидир.

Мамлакатимизда оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш бўйича ишлар янада кенг қўла ва изчиллик касб этмоқда. Ўтган қисқа даврда юртимизда ҳеч қандам кам бўлмаган авлодни воёга етказиш борасида катта ютуқларга эришилди.

Бевосита рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2003-2007 йилларда мамлакатимизда 715 спорт мажмуи барпо этилди. Шундан 583 таси қишлоқ жойларда қурилгани эътиборга лойиқдир.

Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналиши спорт иншоотлари барпо этиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, қайд этилган кенг қамровли қурилиш ишларига ўтган беш йил мобайнида 85,4 миллиард сўм маблағ сарфланди.

— Жойларда ёш авлод камолоти йўлида бунёд этилаётган болалар спортини иншоотлари наинки замонавий ва қулай, айни вақтда, шахар ҳамда қишлоқларимизнинг кўрқига-қўрқ бўлиб тушиши зарур, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Шу маънода, маданият объектлари, коллеж, лицей, мактаб ва болалар спортини иншоотларида қурилиш ишларининг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш бўйича ихтисослашган пудратчи ташкилотлар фаолиятини шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Барпо этилаётган иншоотларни спорт жихозлари билан таъминлаш изчил амалга оширилмоқда. Республикаимизда янги қурилган спорт мажмулари, мактаб спорт заллари ва бошқа болалар спорт иншоотлари учун замонавий спорт жихозларини хориждан келтириш кўп жihatдан ўзини оқламайди. Шу боис, зарур спорт инвентарларини юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсада мувофиқдир.

Давлатимиз раҳбари юртимизда тайёрланаётган спорт жихозларининг сифат кўрсаткичлари ягона ва мустаҳкам тизим асосида яратилиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратиб келади. Ўтган даврда бу борада, илгор хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, сифатли махсулотларни маҳаллий шароитда тайёрлаш амалиёти кенг жорий этилди.

Замонавий корхоналаримизда сифатли болалар спорт жихозларини кенг қўламада ишлаб чиқариш имкониятлари чуқур ўрганилиб, янги қурилган болалар спортини иншоотларини жиҳозлаш учун тавсия этиладиган спортнинг ҳар бири тури бўйича энг қулай ва мақбул жиҳозлар каталоги яратилди. Шу асосда 55 корхонада болалар спорт объектларини жиҳозлаш учун зарур 120 хил инвентардан 118 хилни ўзимизда тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Олдимизда турган муҳим масалалардан бири ана шу маҳаллий корхоналарда тайёрланадиган спорт ускуна ва анжонлари, спорт кийимлари ва жиҳозларининг ҳақон андозалари талабларига тўла мос бўлишига эришилди, — деди Президент. — Шу мақсадда ушбу спорт жихозлари ва анжонларининг сифатини баҳолайдиган махсус комиссия тузиш даркор.

Юртимизда спортнинг оммавий, шу жумладан, футбол, аёллар футбол, синхрон сузиш каби янги турлари изчил ривожланмоқда. 2003 йилда Болалар секциялар ва клубларда спортнинг атиги 8 тури билан шугулланган бўлса, эндиликда замонавий спорт залларимизнинг жиҳозланиш даражаси спортнинг 23 тури билан шугулланиш имконини яратмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш борасидаги эзгу ташаббус, хайрли ишлар ўз самарасини бермоқда. Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотларида, турли спорт секциялари ҳамда клубларида жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланаётган ёшларнинг сони тобора ортмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Ислам Каримовнинг Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашуви

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислам Каримов 29 ноябрь куни Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 4-Бухоро округ сайлов комиссияси раиси Ф.Аминов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, иқтисодий адолатни таъминлаш, фермерликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий мухитни янада яхшилаш, солиқ юкани камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Иқтисодий ва маънавий фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия таъминоти тизимини таъминлаш, пенсия ва ижтимоий-маърифий соҳалардаги ислохотлар чуқурлашиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи тобора юксалмоқда.

Учрашувда сўзга чиққан "Нуроний" жамғармаси Жиззах вилояти бўлимининг раиси Ислам Хушев, вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Насиба Мавлонова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва алтернатив асосда ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилинганлигини таъкидладилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўлидиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Учрашувда Қорақўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб-интернат директори Тўхтамурод Жумаев, Жондор туманидаги "Оллоҳназар-Бобоназар-Шохназар" фермер хўжалиғи раиси Бобоназар Чориев, модельер-дизайнер Насиба Йулдошева, Бухоро давлат университетини талабаси Дилноза Исаева, бокс бўйича жаҳон чемпиони Аббос Атоев, шоир Садриддин Салим Бухорий ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодийни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар бевосита Ислам Каримов номи билан боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Ислам Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш, иқтисодийни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби масалаларни амалга оширишда муҳим қарор қилиниши алоҳида қайд этилди.

Ислам Каримов Бухоро инсоният цивилизацияси тараққийига беқиёс ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Абдуқолиқ Фихравий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари буюк мутафаккирлар ватанидир, деб таъкидлади. Уларнинг воқисалари бугун ҳам қўлаб соҳаларда катта муваффақиятларга эришмоқда — олий ўқув юртиларига қиришдаги тест синовлари натижалари бўйича бухоролик қилди-қиллар етакчилик қилиб, Қорақўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчилари халқаро илмий олимпиада-

ларда совринли ўринларни қўлга киритмоқда.

Учрашувда Қорақўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб-интернат директори Тўхтамурод Жумаев, Жондор туманидаги "Оллоҳназар-Бобоназар-Шохназар" фермер хўжалиғи раиси Бобоназар Чориев, модельер-дизайнер Насиба Йулдошева, Бухоро давлат университетини талабаси Дилноза Исаева, бокс бўйича жаҳон чемпиони Аббос Атоев, шоир Садриддин Салим Бухорий ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодийни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар бевосита Ислам Каримов номи билан боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Ислам Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш, иқтисодийни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби масалаларни амалга оширишда муҳим қарор қилиниши алоҳида қайд этилди.

А.БОБОЕВ,
Э.ЎДГОРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Дилором Тошмуҳамедованинг Жиззахлик сайловчилар билан учрашуви

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг жойларда сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Дилором Тошмуҳамедова 29 ноябрь куни Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 5-Жиззах округ сайлов комиссиясининг раиси С.Қобилов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили М.Эшбеков йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. Дастурда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар билан берилаётгани таъкидланди. Мамлакатимиз иқтисодий ва маънавий фаровонлиги тобора юксалмоқда. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ тизими, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маъна-

вий-маърифий соҳалардаги ислохотлар чуқурлашиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи тобора юксалмоқда.

Учрашувда сўзга чиққан "Нуроний" жамғармаси Жиззах вилояти бўлимининг раиси Ислам Хушев, вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Насиба Мавлонова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва алтернатив асосда ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилинганлигини таъкидладилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўлидиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

Тадбиркор аёллар Ҳиндистонда

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси мамлакатимиз иқтисодий ҳаётда бозор муносабатларини жорий этишда хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бизнесда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган мақсадларини амалга ошириш борасида қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда.

2004-2005 йилларда Ҳиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида бўлиб ўтган тадбиркор аёллар халқаро конференциясида Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларидан қатнашган хотин-қизлар ўзларининг юқори сифатли махсулотлари билан барчанинг диққатига сазовор бўлган. Шунга қўра, икки давлат аёлларининг ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик битими имзоланган.

(Давоми 2-саҳифада)

Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси очилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Унда парламент юқори палатаси аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджет, шунингдек жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатини ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш вазифаларини изчиллик билан ҳал этишда муҳим роль ўйнайдиган бир қатор қонунлар ва масалалар муҳокама қилиниши мўлжалланмоқда.

Кеча, 29 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров бошқарди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитидинованинг парламент юқори палатасининг ўн иккинчи ялпи мажлисига тайёрлаган қўриш ва уни ўтказишга доир ишлар ҳақидаги ахборотини тинглаб, маълумот учун қабул қилдилар.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлиғи, "Еррегеодекадастр", Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзқимёсанот", "Ўзагроосуғурта", "Ўзвинсанот-холдинг", "Ўзқишлоқхўжалиқмашҳолдинг", "Ўзқишлоқхўжалиқмашҳолдинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ер-мой ва озик-овқат саноати", "Ўзбекенилсанот", Ўзбекистон фермер хўжалиқлари, "Ўзагрошасервис", "Ўзгўштсаноат" уюшмалари, "Пахта Банк", "Галлабанк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агроаноат ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Россия миллий кўргазмасида:

Фойдали ва самарали мулоқотлар

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспо-марказ"да "Россия-Ўзбекистон: стратегик ҳамкорлик" мавзусидаги Россия миллий кўргазмаси давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиғи, Россия Федерацияси Иқтисодий ривожланиш ва савдо вазирлиғи ҳамда икки мамлакатнинг Савдо-саноат палаталари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Россиянинг Олтой ўлкаси, Чуваш Республикаси, Пенза, Самара, Тюмень, Ярослав, Волгоград, Томск, Челябинск, Саратов, Ленинград, Новосибирск вилоятлари каби ўн етти субъектидан икки юзга яқин компания ва корхона ўз махсулотлари ҳамда хизматлари билан иштирок этмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



ОБУНА – 2008

"Қишлоқ ҳаёти" ва унинг иловаси "Ҳаёт" газеталарини йил давомида мунтазам ўқиб боришни истайсизми? Мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган воқеалардан, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб, маданий-маърифий мавзулардаги мақолалар, фалсафий фикрлар билан йўрилган бадиий асарларни мутолаа қилишни хоҳлайсизми? Унда 2008 йил учун газеталаримизга обуна бўлишга шайин!

"Ўзбекистон почтаси", "Матбуот тарқатувчи" идоралари ва бошқа ташкилотлар обунани расмийлаштиришмоқда. Тахририятнинг ўзида ҳамда газетанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги мухбирлари орқали шартнома асосида ҳам обуна бўлиш мумкин. 144-индекс бўйича "Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" газеталарига бир йўла, 145-индекс бўйича эса "Ҳаёт" газетасининг ўзига обуна расмийлаштириляпти.

Хаузақда газ қазиб олиш бошланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни, жумладан иқтисодий ҳаётдаги ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарди.

Ўзбекистон ва Россия компанияларининг нефть-газ тармоғидаги самарали ҳамкорлиги бунга ёрқин мисол бўлади.

Россиянинг йирик компанияларидан бири - "Лукойл" сўнгги йилларда Ўзбекистон бозорини самарали фаолият кўрсатмоқда. 2004 йилнинг

ноябрида қўлга кирган Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битим шартларига қўра, Тошкентда Қандим-Хаузақ-Шоди-қўнғирот мегаполихасини бошқариш бўйича "Лукойл" Ўзбекистон оперейтинг" операция компанияси ташкил этилди. Ишлаб чиқарилган махсулотини 50-50 тизими бўйича тақсимлаш қўзда тутилган. Лойиҳага сарфланган инвестиция миқдори уч

миллиард доллардан ошади. Уни "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ва "Лукойл" оверсиз Ўзбекистон ЛТД" шўба компанияси таркибидagi сармоядорлар консорциуми амалга оширмоқда.

Мазкур лойиҳанинг илк амалий самарасига эришилди - Хаузақ газ қонидан саноат усулида махсулот қазиб чиқариш бошланди.

(Давоми 2-саҳифада)

Qishloq hayoti

Кышлок ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Соғлом авлод тарбиясининг муҳим омили

(Боши 1-саҳифада)

Утган беш йил мобайнида 140 нафар ёш спортчи халқаро тоифадаги спорт устаси, 569 нафари — спорт устаси, 7380 нафари спорт усталигига номзад уновони кўлга киритгани бу соҳадаги муҳим кўрсаткичлардандир.

Энг муҳими, бу жараёнлар, бир томондан, мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар билан чамбарчас боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, Ватанимиз спортчилари халқаро спорт мусобақаларида шохсупанинг юқори погоналарини жой олиб, Ўзбекистон байрогини баян қилишларида мустақам пойдевор вазифини ўтамоқда.

Жорий йилнинг ноябрь ойида навқирон спортчиларимиз ўзларининг дунё спорт майдонларида қозонган қатор ғалабалари билан юрдошларимизнинг қалбига катта қувонч, фарх ва ифтихор туйғуларини олиб кирди. Хусусан, АКШнинг Чикаго шаҳрида боқс бўйича ўтган жаҳон чемпионатида буюрорлик Аббос Атоев жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси эса футбол бўйича 2008 йил бўладиган Осиё чемпионати саралаш мусобақаларини муваффақиятли яқунлаб, финал босқичига йўланма олди.

Спорт фарзандларимизнинг иродасини тоблади, қалбига ўз халқи, юрти билан фахрлиниш туйғуларини мустаҳкамлайди, — деди Президентимиз Исро Каримов. — Зеро, фахри ифтихор инсон учун ўзининг юксак мақсадларига эришишда катта таянч ва мадад бўлади.

Болаларни спортга кенг жалб этишда жойларда ўқазилаётган му-

собақаларнинг аҳамияти катта. Ҳушчир-ёшлар иштирокидаги "Ал-помийш-Барчиной", "Кувнок стартлар", "Соғломжон — полвонжон", "Умид ниҳоллари", "Эзги таътил" каби спорт мусобақалари, Жамғарма соврини учун футбол, баскетбол, волейбол, кўл тўпи, спорт ва бадиий гимнастика, акробатика, сузшиб, шахмат, шашка, стол теннисис бўйича ўқазилаётган беллашувлар яхши самара бераётир.

Ўртбошимиз қишлоқ мактабларида спортни ривожлантиришнинг бугунги аҳволи ва истиқболига атрафлича тўхталиди.

— Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпрогини болалар, ёшлар ташкил этади. Уларнинг асосий қисми эса қишлоқларда яшайди. Биз бугун кўпроқ қишлоқ болалари ҳақида қайғураётганимиз ўз самарасини бермоқда. — деди Ўртбошимиз. — Мактаблар қириш, таъмирлаш, умуман мактаблар фаолияти билан шуғулланиш 3-4 йиллик иш эмас, балки доимий, узлуксиз жараён.

Ҳар қандай муаммога мантиқий нуктадан назардан ёндашмай туриб, ечим топиш мушкул. Жумладан, Ўзбек қизларини спортга жалб этишдан олдин, масаланинг ҳозир ҳақиқатларини чуқур таҳлил қилиш лозим. Аввало, спортнинг ҳамма тури ҳам халқимизга, айниқса, ифратли ва ибоби қизларимизга тўғри келавермайди. Шу маънода кейинги йилларда чекка қишлоқларда ҳам спортнинг нафис тури бўлган бадиий гимнастика, стратегик мақсадларимизни чуқур ағлаб етиш, одамларимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шарт-шароит, шу жумладан спорт билан шуғулла-

лан 7 мингга яқин қиз мунтазам шуғулланмоқда.

Мактабларда болалар спортини ривожлантиришда мутахассис ўқитувчи-мураббийларнинг алоҳида ўрни бор. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 25134 нафар жисмоний тарбия ўқитувчисининг салмоқли қисми олий маълумотлидир.

Ўртбошимиз ўқитганидек, шаҳар ва қишлоқларимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун тегишли шарт-шароит яратиш болалар спорт мураббийларини, хусусан, хотин-қиз мураббийларини тайёрлаш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратишни талоқ этади. Шу маънода Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига 2006-2008 ўқув йилларида 436 нафар қиз ўқишга қабул қилинган эътиборга лойиқдир.

Президентимиз яна бир муҳим масалага эътиборни қаратди. Жойлардаги мутасадди раҳбарлар, аввало Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, шунингдек, Халқ таълими вазири раҳбарлари мактабларда спортни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларни самарали ҳал этиш наинки ижтимоий, балки давлат аҳамиятига молик сиёсий масала эканини янада теранроқ англамоғи даркор.

Хар бир раҳбарнинг асосий вазифини — мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатни, унинг устувор йўналишларини, стратегик мақсадларимизни чуқур ағлаб етиш, одамларимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шарт-шароит, шу жумладан спорт билан шуғулла-

ниш учун зарур имкониятлар яратишдан иборат. Зеро, спорт билан машғул бўлиш маънавий юқалишнинг муҳим мезонларидандир.

Йиғилишда қайд этилганидек, Болалар спортини ривожлантириш дастирини бажаришда муайян камчиликлар ҳам мавжуд. Айрим вилоятлардаги қирилиш ташкилотлари спорт иншоотларини қириш нархларини ошириб, фойдаланишга топириш муддатини асоссиз равишда қўшиб юбормоқда.

Сирдарё, Тошкент, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида эса спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш, спорт секциялари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, бунда қизларни спорт машғулотларига кенгроқ жалб этиш борасида сусткашлик кузга ташланмоқда. Баъзи ҳудудларда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси бўйича малакали тиббий ходимлари, мураббийлар, айниқса, аёл мураббийлар етишмайди.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларни спортга жалб этиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Хар бир Меҳрибонлик уйи ўзи жойлашган ҳудуддаги тегишли спорт мактабига бириктириб қўйилмоғи даркор. Қишлоқ мактабларида ўқийдиган қизларни, кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандларини спорт машғулотларига фаол ва мунтазам жалб этиш масаласи ҳам доимий эътиборни талаб этади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов, Н.Хонов, иқтисодиёт вазири Б.Хўжаев, халқ таълими вазири Т.Жўраев, халқ таълими вазирининг ўринбосари — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А.Очилов, Навоий кон-металлургия комбина-ти бош директори Н.Кучерский ва баъзи вилоятлар ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ғулор МИРЗО,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Боши 1-саҳифада)

Кўмиталарнинг раислари навбатдаги ялпи мажлис мухокамасига қиритилган 2008 йилги Давлат бюджет, қонулар ва бошқа масалалар юзасидан ҳулосалар тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш бўйича ўзаро фикр алмашидилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Қўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди.

Шу кун Сенатнинг барча кўмиталари, хусусан Бюджет ва иқтисодиёт ислохотлар масаласи; Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масаласи; Мудофаа ва хавфсизлик масаласи; Ташқи сиёсат масаласи; Фан, таълим, маданият ва спорт масаласи; Аграр, сув ҳўжалиги масаласи ва экология кўмиталарининг мажлиси бўлиб ўтди. Уларда сенаторлар ўн иккинчи ялпи мажлис кун тартибига қиритилган масалаларни муҳокама қилдилар. Шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджети ҳар томонлама ва муфассал қўриб чиқилди.

Уни муҳокама қилиш асосида келгуси йил асосий макроиктисодий кўрсаткичларининг прогноз мамлакатимиз Президентининг Вазирилар Маҳкамасининг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги муаруза-сида белгиланган берилган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларидан келиб чиқиб тайёрланганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Асосий молиявий ҳужжат иқтисодиётнинг барқарор ва мунтазими суръатлар билан ўсишини таъминлаш, иқтисодиётни таркибий тақомиллаштириш ва модернизациялаш, унинг энг муҳим тармоқларини техника ва технологиялар борасида янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш назарда тутди. Унда иқтисодиётда давлат иштирокчини изчилик билан қайтайтириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ишларини ҳар томонлама кучайтириш, иш ҳақи ва аҳолининг турмуш даражаси мудоим ошиб боришини таъминлаш, тадбиркорликнинг жадал ривожланишини бундан буюн ҳам ҳар томонлама

қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этиш ва одамларнинг фаровонлигини ошириш, банк-молия ва коммунал соҳалардаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари ҳам муҳим қисмлар бўлди.

Кўмиталар Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқуллаш учун Сенатга тақдим этилган 23 та қонунни, шунингдек парламент қўқори палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни муҳокама қилди. Уларнинг ҳақмаси ўн иккинчи ялпи мажлис кун тартибига қиритиш учун тавсия этилди.

Мажлисларда сенаторларнинг 2007 йилнинг ўтган даври мобайнидаги иш яқунлари ҳамда Сенат кўмиталарининг 2008 йилга мўлжалланган иш режалари лойиҳалари қўриб чиқилди, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш тадбир-чоралари белгилан олди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

Тадбиркор аёллар Ҳиндистонда

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасига Ҳиндистон тадбиркор аёллар Консорциуми раиси Шайи Сингх хат билан мурожаат қилиб, Нью-Дели шаҳрида халқаро тадбиркор аёллар Конфедерацияси ва туризм, инфо-мация технологиялари, миллий ҳўнармандчилик, заргарлик, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, тери маҳсулотларидан тайёрланган либослар ярмаркаси ўтказилаётгани ҳамда ушбу халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикасида вакиллар иштирок этиш тақдирини билдирган.

Шунга қўра, юртимизда тадбиркор аёллар тивувчилик, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, тўқувчилик, нон ва нон маҳсулотлари, миллий ҳўнармандчилик, заргарлик маҳсулотлари билан иштирок этиш, ўзбек аёлининг нечоғли зукко эканлигини, бир қўлида бешик, бир қўлида дунё тебратишдек улғувор ишга камарбаст эканлигини намойиш этидилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ш.Абдуллаева мазкур конференцияда Ўзбекистон

аёллари, уларга ҳукуратимиз томонидан яратилган шарт-шароитлар, қонуларимизнинг хотин-қизлар ҳаётида тутган ўрни ва давлатимиз раҳбарининг уларга эътибори ва ғамхўрлиги ҳақида гапирди.




Аброр МЕЛИБОЕВ

YETTI-IQOLIMDAN BIR SHINGIL

Окруашвили ҳибсда

Грузиянинг собиқ мудофаа вазири Ираклий Окруашвили Берлинда халқаро ордер бўйича қўлга олинди.



Berliner Zeitung газетасининг хабар қилишича, Окруашвили Германиядан Сиёсий босқунда олиб бўлган. 40 кун ичида Грузия Берлин прокуратурасига айблов ҳужжатларини юборса Окруашвили ўз юртига экстрадиция қилинади.

Собиқ мудофаа вазири 27 сентябрь куни ўз лавозимини суиистеъмол қилиш, давлат пулларини ўзлаштиришда айбланиб, қўлга олинган эди. 9 октябрь куни Окруашвили 10 миллион лари (6 миллион АКШ доллар) миллионридаги гаров пули эвазига ҳибсдан озод этилганди. Бироқ собиқ вазири Грузияни тарк этмаслик шартларига амал қилмай, Германияга чиқиб кетган.

Римни ҳаракатсиз қолдирган таксилар



Рим такси ҳайдовчилари бир кун мобайнида шахар кўчаларидаги ҳаракатни тўхтайтиб қўйишди.

Такси автомобилларини кўча ҳаракатига қўндаланг равишда ташлаб кетган ҳайдовчилар ишга қайтишнинг таксичилик қилиш учун рўхсат берадиган лицензиялар сонини ошириш тўғрисидаги қарорига қарши чиқилган. Уларнинг фикрича, агар лицензиялар сони кўпайса рақобатчилик қўлаёди ва иш ҳақлари тўшиб кетади.

Уч мингдан зиёд қўлга ташлаб кетилган автомобиллар кенга бориб эгалари томонидан олиб кетилган. Шаҳарнинг сайёҳлик маркази ҳисобланган Колизей майдонидидаги таксиларининг бошқа жойга эвакуация қилишга муваффақ бўлинган.

Мушарраф қасамёд қилди

Пакистон президенти Парвез Мушарраф қасамёд қабул қилди.

Қасамёд маросимида давлат раҳбари конституцияга риоя қилиш, ўз халқи тинчлиги йўлида қўлидан келган барча ишларни амалга оширишни айтиб ўтган. Шунингдек, ў Пакистон пиеда қўшинлари штаби бошлиги лавозимдан воз кечганини айтиб ўтган. Мамлакатда эълон қилинган фавқулодда ҳолатга таъриф берад экан, "террорчилик хуржлари чекинган қуниёк бекор қилинади" деган.

2007 йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган президентлик сайловда Мушаррафнинг қўлга киритган ғалабасини олий суд тан олмаган эди. Ушбу маҳама унинг ғалабаси ҳарбийликдан воз кечилган тақдирда тан олиншини маълум қилганди. Шундан сўнг президент олий судни тарқатиб юборди, конституция фаолиятини вақтинча тўхтайтиб қўйди.

Жаҳон матбуоти хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Саудия Арабистони хавфсизлик кўчлари мамлакатда содир этилиши мумкин бўлган террорчилик хуружини фoш этди.

Подшоҳлик кўчлари қўлга киритилган ахборотлар асосида ўтган кун махсус амали-

Фoш этилган хавфли режа

ёт ўтказди. Натижада, 208 нафар террорчи қўлга олинган. Маълумотларга қўра, уллар Саудия Арабистонининг бир неча нефть заводларида кўпуровчиликлар уюштиришни режалаштиришган экан. Бундан ташқари, террорчилик ҳукумат арбоблари ва диний раҳнамоларга қарши суиқасд амалга оширишни қўзда тутишган. Қўлга олинганларнинг хонадонларида бу режаларни тасдиқловчи ашёвий далиллар топилад.

Германиянинг Карлсрух университети олимлари ёқилган мўқбил энергия манбаини иштиро қилишгани маълум қилишмоқда.

Ҳаётимизда қўндаланг равишда ташлаб кетган ҳайдовчилар ишга қайтишнинг таксичилик қилиш учун рўхсат берадиган лицензиялар сонини ошириш тўғрисидаги қарорига қарши чиқилган. Уларнинг фикрича, агар лицензиялар сони кўпайса рақобатчилик қўлаёди ва иш ҳақлари тўшиб кетади.

Ҳаузақда газ қазиб олиш бошланди

Ўзбекистон билан Россиянинг нефть-газ соҳасидаги самарали ҳамкорлиги икки давлат раҳбарлари эришган келишувларнинг яна бир амалий натижаси эканини алоҳида таъкидлади.

Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари С.Иванов Ўзбекистонда яратилган қўлай инвестиция муҳити мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ўқаларни жадаллаштириш имконини беришини таъкидлади.

— Биз Ўзбекистонни энг ишончли ҳамкорларимиздан, деб биламиз, — дейди Россиянинг "Лукойл" компанияси президенти Вагит Алекперов. — Бугунги кунгача Ўзбекистонга қиритилган молиявий сармомамиз 350 миллион АКШ долларини ташкил этади. Ҳаузақ қонининг фойдаланишга топирилиши ўзбек-руссиялик шерикларимиз билан нефть-газ соҳасидаги кўп йиллик ҳамкорлигимизнинг дастлабки натижасидир. "Лукойл" компанияси Қандим Ҳаузақ-Шоди лойиҳасидан ташқари яна битта йирик ва мутлақо янги лойиҳани амал-

Конституция кунин олдида

Мангит шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганга 15 йил тўлиши арафасида "Сиз қонунни биласизми?" мавзусида қўриқ-танлов бўлиб ўтди. Унда Амударё туманидаги уюмтаълим мактаблари ўқувчилари, 3 та касб-ҳўнар коллежларининг талабаларидан ташкил топган жамоалар қатнашди.

Қизгин беллашувларни ҳуқуқ-тартибот органлари масъул ходимлари, жамоат ташкилотлари вакилларидан ташкил топган нуфузли хайъат аъзолари ҳаққоний тарзда баҳолаб борди. Танлов якунида ҳуқуқий билимларни чуқур эгаллаган, хар бир саҳна кўринишини зарур експонатлар, кўргазмалар қуроллар ёрдамида намойиш қилган Дўрман қишлоқ касб-ҳўнар коллежи қўлиб деб топилиди. Мазкур жамоа қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳаузақда газ қазиб олиш бошланди

(Боши 1-саҳифада)

Бухоро вилояти ҳудудидидаги Денгизкўл қирғоғида жойлашган ушбу иншоотда қисқа вақт ичида сейсмологик кидирув ишлари амалга оширилди, експлуатация қудуқлари қазилди, участка ободонлаштирилди, электр узатиш линияси барпо этилди, автомобиль йўллари қурилмоқда. Бургулаш ишларини тегишли тендерда қўлиб чиққан Хитойнинг ТУНА компанияси амалга оширмоқда. Биринчи кудуқнинг чуқурлиги 3 минг метрни ташкил қилади. Ҳаузақ қониди жами 37 та янги кудуқ қовланади.

Ҳаузақ қони ишга туширилиши муносибати билан бу ерда тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Россиянинг "Лукойл" компанияси ва лойиҳада иштирок этаётган бошқа компаниялар раҳбарлари, давлат муассасалари вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маросимда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси бошқаруви раиси Н.Аҳмедов

га оширади — Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимга мувофиқ Орол денгизининг Ўзбекистонга қарашли қисмида углеводород қонларини кидириш ва ўзлаштиришда иштирок этади. Бу борзда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Лукойл" компанияси, Корея миллий нефть корпорацияси (KNOOC), Хитой миллий нефть компанияси (CNPC) ва Petronas Salqari Overseas компаниясидан (Малайзия) иборат сармоядорлар консорциуми тузилди. Ишончим комилки, бундай ҳамкорликнинг истиқболлари порлоқ.

Шундай қилиб, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ва "Лукойл оверсиз" компанияси Ҳаузақ участкасидан Денгизкўл-Муробак газ қувирига "заңгори ёнигини" узлуксиз етказиб бера бошлайди. Ҳозир ушбу қонда бешта қудуқ, газни дастлабки тозалаш мосламаси ишга туширилди. Муробак газни қайта ишлаш заводидида қайта ишлаш қувватлари ва ёнигини транспортировка қилиш тизими тайёрланди. Зарур текширув ва сино-

лай бошлагач, бу ерда ҳар йили 10 миллиард куб метрда ортиқ газ қазиб олинади.

Қандим гуруҳи қонларидида қазиб олинадиган газни Россия ва Европада экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, лойиҳада йилга 8 миллиард куб метр газни қайта ишлаш қувватига эга замонавий газ-кимё мажмуини барпо этиш қўзда тутилган. Ушбу мажмуанинг биринчи навбатини 2011 йилда фойдаланишга топириш мўлжалланмоқда. Бундай заводлар дунёда саноклидир. Бундан ташқари, иккита компрессор станцияси, йиғиш пунктлари, ишчилар посёлкалари, электр узатиш линиялари, шунингдек, узунлиги қариёб 40 километрик алоҳида темир йўл тармоғи, автомобиль йўллари барпо этилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов иштирок этди.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎЗА махсус мухбири

Тошкент-Бухоро-Ҳаузақ-Тошкент

Россия миллий кўргазмасида: Фойдалан ва самарали мўлоқотлар

(Боши 1-саҳифада) Улар орасида нефть-газ, кимё, қончилик, фармацевтика соҳаларига, қишлоқ ҳўжалиги техникаси, оғир ок ташувчи ва ёнғил автомобиллар, трактор ва комбайнлар, қурилиш материаллари, мебель ва мебель фурнитуриси, қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўлаб қорхона ва компаниялар бор.

Россия Миллий кўргазмасининг иккинчи кунини Ўзбекистон билан Россия ўртасида минтақалараро иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантириш ҳамда Россия Федерацияси ҳудудида ишлаб чиқариладиган товарлар-

ни сертификатлаштиришга бағишланган конференциялар, авиа-космик, машинасозлик, ёқилғи-энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтириш назарда тутуви давра суҳбатлари, семинарлар, шунингдек, Пенза, Ульяновск, Самара вилоятларининг, "ТюменНИИГипрогаз" масъулияти чекланган жамияти ва "Ангар" илмий-технологик мажмуасининг тақдиримоти ўтказилди.

Кўргазма доирасида Ўзбекистон — Россия ва Россия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгашлирининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакат-



МАЖЛИСДА ҲАМКОРЛИҚДА НЕФТЬ-ГАЗ,

"Мурувват уй"лари, ота-онаси болалар... жамиятнинг оғрикли нукталари. Лекин ана шундай етим қолган, боқувчисини йўқотган, айрим кимсаларнинг эътиборсизлиги туфайли ногирон бўлиб туғилган болалар тақдири давлатимизни бефарқ қолдирмайди.

"... Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан махрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, бола-

лут қопласа баъзиларига ҳеч нарса ёқмайди, бақириб-қақришиб бошлайди, баъзида тутқаноғи тутиб қолиши мумкин. Бизлар шундай вазиятларни ҳисобга олган ҳолда улардан доимо кўза-қулоқ бўлиб тураемиз.

Ана шундан кейин баъзи ота-оналар соғпа-соғ болаларини эглай олмаётгани ҳақиндан ўтади...

— Мен буларга ёзиш-чиқишни ўргатаман. Бу ерда фақат юрғида катта

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни

болаларнинг муваффақиятли ўринларини кўлга киритганига нима дейсиз.

Бор бўлсин оқибат!

— Бу ерда ҳаёт ҳамisha қайнайди, — дейди Раъно опа суҳбатни давом эттириб, — бор кучимизни шу болаларга сарфлаймиз. Ахир уларнинг ҳам бошқа болалар каби бахтли бўлишига

нинг кўл томирини ушлаб кўриб, унинг онаси ҳомилдорлик пайтида грип билан оғригани ва асорати болага ўтганлигини айтади. Буни қарангки, боланинг шахсий варақасида ҳам худди шу маълумот бўлган экан. Ушбу "Мурувват уй"даги болаларнинг кўпчилигини эса онанинг ҳомилдорлик пайтида орттирган касалликлари туфайли ногирон бўлиб қолган болалар ташкил қилади.

Дунё асли меҳрдан яралган



ларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради". Бу Конституцияимизнинг XIV-боб 64-моддасида кўрсатилган.

Фарзандларимиз ҳар томонлама соғлом бўлсагина уларнинг эртанги кунни порлоқ бўлади. Лекин биз яшаётган бу оламда болалар бахти не эканлигини англаб-англамай яшаётган болалар борлиги барчамизни ташвишлантиради, зеро ташвишларимиз ўринлидир.

Тошкент шаҳар 2-сон болалар "Мурувват уйи" 400 ўринга мўлжалланган бўлиб, болалар бу ерда 18 ёшгача тарбияланадилар.

Юрагиниз сабрдан бўлса...

— Мурувват уйимизда болалар учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд,

меҳрибон тарбиячилару, энгилар доимо улардан меҳрларини аямашайди. Бизнинг ниятимиз уларнинг бахт-иқболини кўриш, — дейди ўқув тарбиявий ишлар бўйича масъул Раъно опа Қориева. — Гарчи бу болалар ақдан заиф, кўл-оёқлари ҳарақатлари ўзига бўйсунмасида уларнинг ҳар бири — бир олам. Фақат уларни англаш учун соғлом болаларни тушунгандан ҳам кўра кўпроқ ички яна бир бошқа ҳиссий керак. Уларни қаттиқ севиш лозим. Бошқа болалардан фарқли ўлароқ уларнинг қобилиятларини ҳафсала билан ишлабгина юзага чиқариш мумкин. Бу болаларнинг ашуласини эшитинг, рақсга тушганини кўринг, чизган суратларини томоша қилинг. Мана Цой Эрнест расм чизади. Мана бу бошқа болаларнинг чизган суратлари. Тўғри бу болалар сурат чизаётганида яримда туриб кетади, ашула, шеър айтётганида тез ёрдам қақиради, баъзан ҳеч нарса килгиси келмай, дангасалиги тутади. Лекин биз булар билан фақатгина тоқат қилиб ишлашимиз керак. Ҳатто, болаларнинг кайфияти об-хавога қараб ўзгаради. Осмонни бу-

... Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан махрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.

такрорлаш керак. Бу ердаги ногирон болалар билан оилада тарбияланаётган ногирон болалар ўртасида катта фарқ бор. Баъзи болалар чуқур ақли заиф ҳисобланиб, уларга ҳеч нарса-ни ўргатиб бўлмайди. Лекин биз ҳеч бўлмаганда уларга овқат ейишни, қошиқ ушлашни, лойабзални тўғри қийишни йиллар давомида миясига синдираемиз. Оилада тарбияланаётган болаларга, ҳатто, шу жараёнлар ҳам ўргатилмайди. Улар ўрнига доимо ота-онаси қайғуриб болани ноилуд қилиб қўядилар. Мана шу арзимасдек нарса болаларга ўргатишга эришсак ҳам ўзимизни катта иш қилгандек ҳис қилаемиз.

Уларни илк бор кўрганымдаги тасаввур ўрнини энди катта қизиқиш эгаллади. Наҳотки, шу болалар тарбиячилари айтгандек, спорт, санъат соҳаларида ютуқларга эришган бўлса. "Мурувват уйи"ни айланқарман, деворда осилган рамкалар ичидаги нишонлар, фахрий ёрликлар, болаларнинг турли конкурс ва танловларда қатнашиб чет эллик тенгдошлари билан тушган суратлари, ютуқлардан гурурланиб турган вужоқ чекчалар бунини исботлаб турибди.

Ҳатто, эмаклайдиган болалар ўртасида ўтказилган мини-футболда

ҳақлари бор. Ҳа, уларнинг келажаги порлоқ бўлиши учун ёрдам бераман, деган ҳимий ташкилотлар жуда кўпчиликти ташкил қилар экан. Жорий йилда уларга кўрсатилган ёрдам жами 368 миллион 770 миң сўмни ташкил қилибди. Бу рақамларни айтишдан мақсад ҳимий ташкилотларнинг ёрдамларини кўз-кўзи қилиш эмас, гап уларнинг меҳр-мурувватларида, инсонпарварлигида. Ахир меҳринг че-

Онанинг озгина эътиборсизлиги, врачнинг беҳадсалалиги сабаб бир беғуноҳ бола даҳшатли азоб — ногиронликка маҳкум.

— Мени бой-бадавлат хонадонга узаптидир. Турмуш ўртоғим гийҳандан экан. Иккала фарзандим ногирон туғилди. Кўриб юракларим эзилди, — дейди ёшгина аёл. — Менинг неварам шу ерда. Қизимни қариндошимизга узатгандим. Фарзанди ногирон бўлиб туғилди, — дейди кекса аёл афсус надомат билан. — Ҳалиям шукрки, болаларнинг дардини ҳис қиладиган шундай "Мурувват уй"лари мавжуд.

Пушаймон афсус-надомат билан ҳеч нарса ни узаптириб бўлмайди. Лекин бундай аянчли ҳолинг юз бермаслиги учун биз катталар, ота-оналар озорқ масъулият ҳис қилсак, қанчадан қанча ногирон болалар дунёга келишининг олди олинарди.

Яхшиямки, яхшилар бор

Беш кунлик омонат дунёда кимдир кўша-кўша иморат солиш билан, яна кимдир меҳр саховат кўрсатиш билан овуниб яшайди. Яна бир тоифадаги инсонлар борки, улар ўз норасида гўдақларини отана меҳридан бебаҳра қолдириб, ўз хўш-халоватини уйлаш билан овора. Ҳатто, бир оила ўзининг фарзандлари була туриб юрмалайдиган болалани ҳам фарзандликка олишибди.

Яхшиямки, яхши инсонлар бор, яхшиямки меҳр-оқибат бор, яхшиямки гамхўр давлатимиз бор. Зеро, меҳр-оқибат бор экан, эзгулик абадийдир.

Барно СУЛТОНОВА, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Ижобат Фермерлар қишлоғимизни обод қилишмоқда

Жейновлик 109 ёшли отахон қишлоқ мулкдорлари ҳақида шундай фикрда

Жейнов қишлоғи нафақат Миришқор тумани, балки вилоят, қалаверса, бутун мамлакатимизга ўзининг фидойи, ташаббускор инсонлари билан танилган. Уста дехқон, тадбиркор раҳбар, Ўзбекистон Қаҳрамони Мурадullo Саидовнинг бевосита ташаббуси билан 20 миңдан ортқ аҳоли истикомат қиладиган қишлоқ мустақиллик йилларида тубдан ўзгарди. Маданият саройи, замонавий шифохона, болалар спорт мажмуи йўналишида барпо этилган стадион, касб-ҳунар коллежи биноси, сутни қайта ишлайдиган кичик қорхона ва шу каби кўплаб маданий-маиший тармоқлар эл оғирини енгил, мушкулени осон қилмоқда.

Бундан роппа-роса бир йил муқаддам қишлоқда бозор мажмуи қурилишини ўз зиммасига олган фермер хўжалиги раҳбари Рўзбой Тошев Қарши шаҳридаги "Синтез" лойиҳа гуруҳи билан маслаҳатлашиб ишга киришган. 1 гектардан зиёд майдонда замонавий бозор мажмуи қад ростлади. Бунинг учун фермер хўжалиги раҳбари ўз даромадидан 857 миллион сўм маблағ сарфлади. Натижанда, 220 растага эга савдо иншооти барпо этилди. 25 та савдо дўкони қурилиб, у тадбиркорларга ижарага берилди. 2 та супер ва 1 та минималрақ дўконлари ҳам меъморчилигимизнинг энг сўнгги ютуқлари асосида барпо этилди.

— Бу бозор мажмуини қуриш осон кечмади. Утган йилги фойдамизни ана шу хайрли ишга йўналтирдик, — дейди фермер Рўзбой Тошев. — Бу мажмуимизда нафақат озик-овқат, балки кийим-кечак дўконлари ҳам бўлади. Биз бу билан қишлоғимиз тадбиркорларига кенг имконият яратиб берамиз. Шунингдек, савдо дўконларига замонавий эшик-рошлар ўрнатилиб, пештоқлари ва харидорлар кириб чиқадиган 2 та катта йўлниги айвонлари ҳам замонавий материаллар билан жиҳозланди.

— Мен қишлоғимиздаги бундай ўзгаришларни кўриб лол қолдим, — дейди 109 ёшли отахон Авазбой Арабов. — Қишлоғимиз фермерлари ободончилик қурилиш, хайру-саховатда ҳам барчага намуна бўлишга япти. Рўзбой каби фарзандларимиз гайрат ташаббусига тасаннолар айтмайиз. У кишини ҳақсизий мулкдор, ватанпарвар деса бўлади.

Ҳа, отахон ҳақ гапни айтди. Ватанини ўз халқини севиш фидойилиқдир. Шу мақсадда амалга оширилган ҳар бир иш хайрли ҳисобланади.

Хусан ТЕМИРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири. Қашқадарь вилояти

Сўқмоқларда муҳрланган из

жойларини ўз ичига олган. Аҳолиси 3500 нафар кишидан иборат. Улар 568 хўжалик, 624 оилада умргузаронлик қилишади. Маҳалла обод, кўркам, йўллари раван. Унинг худудида ўнта фермер хўжалиги фаолият юритади.

Назира опа фермер ва тадбиркорлар билан яқин алоқада. Муаммоларни бартараф этишда улардан

Фуқаролар йиғини

қўмақ сўрайди, бамаблашати иш тутади. Ўз навбатида, маҳалла раисаси уларга ҳам ёрдам қилини чўзади. Фуқароларни мавсумий дала ишларига жалб этади. Махсуслотларни йиғиштириб олишга қўмақлашади.

Маҳалла гузаридидаги ўн бир савдо дўкони, етти тегиримон, икки об-жауаз, битта пахтани титиш қорхонаси эл хизматида. Бу жойларда ўттиз икки нафар киши иш билан таъминланган. Масалан, сартарош Худойберди Эсанов, электр асбоб-ускуналари ва телевизорларни



Назира Юсупова хонадонига тушган келинининг қадами кутлуг келди. Ҳали икки ёш севиғиси тараннум этилаётган шўх қўшиқлар саси тинмаган, тўкин дастурхон атрафида меҳмонлар сони камаймаган, Назира опа юзидан мулоийим табассум аримаган онлардаёқ туман бўйлаб хушхабар қанот ёзди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн олти йиллик байрами арафасида эл-юрт эътиборини қозонган кишилардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак ордени ва медаллари билан мукофотланди. Улар орасида Назира опа Юсупова ҳам бор. У "Дўстлик" ордени соҳиби бўлган эди.

Алоқа хизмати яхшиланди

Эндиликда марказдан анча олисдаги Қонлиқул тумани маркази ва овулларда телефон алоқаси талаб даражасига кўтарилди.

Бунга "Ўзтелеком"нинг Қорақалпоғистон филиали томонидан 20 километрга шиша толали кабеллар ётқизирилиб, янги автомат телефон станцияси ишга туширилгани

Искандаров, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

боис эришилди. Айти пайтда 1100 нуктадаги абонементлар ҳамда 14 та сайлов участкаларида ўрнатилган телефонлар кафолатли тарзда ишламоқда.

Абдурахмон Искандаров, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Advertisement for BELARUS tractors, featuring images of tractors and text in Uzbek. Includes contact information for Kammar Arsenal.

Анджон қишлоқ хўжалик институти ректорати 2007-2008 ўқув йилида бакалаврият йўналишлари ва магистратура бўйича битирувчиларини интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва иш билан таъминлашга қўмақлаш мақсадида, бозор механизмни давлат манфаатларига риоя этишини оқилона олиб боришни ҳисобга олиб, ташкилотлар билан келишилган ҳолда ёш мутахассисларни ишга бориши жароғи бошланганлиги тўғрисида хабар қилади. Шу муносабат билан Сиз раҳбарлик қилаётган муассасангизда ёш мутахассисларга эҳтиёж бўлса, институт Маркетинг бўлимига тақлифлар беришингизни сўраймиз. Қуйилган жадвалларда вилоятлар ва Анджон вилояти туманлари миқёсида институтни тугатаётган юқори малакали ёш мутахассислар ҳақидаги маълумотни эътиборингизга ҳавола этаемиз.

Table with columns for regions (T/p), specialties, and various districts/cities. It lists the number of graduates for different specialties across various regions.

